



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

• 2015-yil, 8-sentabr. Seshanba • 106 (32.009)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

«ХЕЧ ҚАЧОН БЎШ КЕЛМАНГ, АЗИЗ БОЛАЛАРИМ, ЭРТАНГИ КУН — КЕЛАЖАК СИЗНИКИ!»

Бу сўзлар ЎзХДП «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиларининг ўзига ишончини, гурур ва ифтихорини янада оширди



Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг республика босқичи иштирокчилари парламент палаталарида бўлишди, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди.

Улар дастлаб Олий Мажлис Сенатига ташриф буюришди. Ватанимизнинг шонли тарихи акс эттирилган суратлар, қонун ҳужжатлари, Юртбошимиз раҳнамолигида қўлга киритилган ютуқлар,

давлат мукофотлари намуналари ҳақидаги кўргазмани ҳаяжон билан томоша қилишди. Олий Мажлис Сенати аъзолари билан бўлган учрашув ёш сиёсатчиларда катта таассурот қолдирди.

Нодира УМИРОВА, танлов иштирокчиси (Қашқадарё вилояти):

— Аввал ҳам Тошкентга бир неча бор келганман. Аммо бу галги сафарим менга янги имконият эшикларини очди. Олий Мажлис Сенати биносига қадам қўйишим билан қалбимни ҳаяжон ва титроқ босди. Унинг салобати, муҳташамлиги мени ҳайратлантирди. Бинога кираришдаги қандилнинг ўзиёқ одамни маҳлиё қилади. У ердаги ҳар бир детал, меъ-

морчилик санъатининг ўзига хослиги хотирамга абадий муҳрланди. Таассуротларимни дўстларимга, албатта, сўзлаб бераман. Ватанимнинг бахтли ёшларидан бири эканимдан фахрланаман.

Олий Мажлис Сенатидан катта таассуротлар билан Қонунчилик палатасига ташриф буюрдик. Уша онда яқинда бўлиб ўтган Президентлик сайлови, айнан шу муҳташам бинода давлатимиз раҳбарининг қасамёд қилгани

хаёлимдан ўтди. Халқимиз юксак ишонч билдирган депутатлар фаолият юритадиган даргоҳда эканимдан ўзимни бахтиёр ҳис қилдим...

Санжар АВАЛБОВЕВ, танлов иштирокчиси (Сирдарё вилояти):

— Кўкрагига нишон таққан депутатларга жуда ҳавасим келди. Келажақда депутат бўлиш мақсади янада қатъийлашди.

«Ёшларга оид қонунчиликни тарғиб этиш ва ижросини таъминлашда ёшларнинг ўрни» мавзусида бўлиб ўтган давра суҳбатида ўзим учун керакли қўллаб-қувватларга эга бўлдим. Унда депутатлар миллий қонунчилигимиз, қонунларни қабул қилиш жараёнилари бўйича сўз юритишди, янги қабул қилинган қонунлар ҳақида гапириб беришди. Очиғи, депутатлар билан суҳбатлашиб, қонун лойиҳалари муҳокама этиладиган залда ўтириб, ўзимни депутатдек ҳис этдим.

Пойтахтимиз марказида салобат тўкиб турган Халқаро анжуманлар саройига қараб одимлаган иштирокчилар йўл-йўлакай ҳаяжонлари ва таассуротларини ўртоқлашиб борди. Кимдир Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси биносининг маҳобати, меъморчилик дизайни ҳақида, яна бошқаси депутат масъулияти ҳақида гапирди.

Амир Темур хиббони ва унинг атрофида жойлашган турли бинолар, айниқса, қўшалоқ курант бонги иштирокчилар ҳаяжонини янада оширди. Ёш сиёсатчилар замонавийлик ҳамда миллийликка уйғун равишда қад ростлаган Халқаро анжуманлар саройини катта қизиқиш ва гурур билан томоша қилишди.

► Давоми 2-бетда.

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини телевизор қаршисида оила аъзоларим билан жам бўлиб тингладик. Унда билдирилган фикрлар, илгари сурилган гоёлар кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Мустақиллик — гуруримиз, ифтихоримиз

Айниқса, тинчликни асраш, қадрлаш ҳақидаги фикрларини ҳаммамиз қўллаб-қувватлаймиз. Биз йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиётимиз давомида қандай улкан ютуқларга эришган бўлсак, бунинг негизиде, аввало, тинчлик ва оқсоқиллик мужассамдир, — деди Президентимиз.

Бу сўзлар барчамизни руҳлантирди, ғайратимизга ғайрат қўшди. Тинчлик бебаҳо бойлик эканини яна бир бор чуқур ҳис этдик. Ҳозир дунёда нималар бўлаётганини кўриб турибмиз. Қанчалаб қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлиб кетяпти, минглаб бегуноҳ одамлар ноҳуд бўляпти. Халқимизда бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака қочади, деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам нотинч жойда ривожланиш бўлмайди, иқтисодийёт ҳам инкирозга юз тутаяди.

Мустақиллик йилларида айнан тинчлик, аҳиллик туфайли биз қўзлаган марраларимизга етгач, тараққиётимиз тезлашиб бормоқда, ҳаётимиз фаровонлашиб, одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгариб бормоқда.

Яқин ўтмишдаги оғир кунлар ёдимизда. Ҳатто озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги кескин ҳолатга келган эди. Савдо дўконлари пештахталари бўшаган, одамлар кун кечириш учун зарур маҳсулотларни сотиб олишда навбат қуттишарди. Кичик бир рўзгорнинг қозонини қайнатиш учун қанча югуриб-елганимни яхши эслайман. Ана шундай мураккаб бир шароитда ақл-идрок, сабр ва матонат билан қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир-биридан ўтқир муаммоларни ечиш қанчалик оғир кечганини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳамма муаммоларни тинчлик, аҳиллик туфайли ўз вақтида бартараф этишга улғурдик.

Яқинда бир танишим уйига меҳмонга чақирди. Янги уйга қўнган экан. Ошна-оғайнилар билан бирлашиб, йўлга отландик. Дўстимиз қишлоқларда қуриётган намунавий уйлاردан бирига кўчиб ўтибди. Очиғи, маҳаллага кириб боришинг билан қишлоқнинг бахри дили очилади. Ҳамма ёқ тоза, озода ва кўркам, уйларида хонадон эгалари учун ҳамма шароит яратилган. Меҳмонда ўтириб, кўп нарсани хотирладик. Кечагина тупроқ, лой кечиб юрган қишлоқларни ёдга олдик...

Ҳақиқатан ҳам, оддий пахсадан қурилган кичкинагина уй, қиш кунлари ўтин ташиб, вақтинг ўтарди. Онамни эслайман, совуқ кунлари қўли қалтираб, очик айвонда овқат пиширарди. Уй юмушларини бажариш учун ҳовлининг у четидан, бу четига елиб-югурарди. Бугунги уйлари қаранг. Ҳамма шароит бор.

Шуларни кўриб, гувоҳи бўлиб, мустақиллик нечоғли буюк нёзат эканини дилдан ҳис қиласан, киши. Бугун Ўзбекистонимизда эришилган барча ютуқлар айнан мустақиллик шарофатидан. Бизнинг, ўсиб келаётган фарзандларимизнинг энг муҳим вазифаси эса узоқ қийинчиликлар ва катта сабр-матонат билан қўлга киритилган Мустақилликнинг қадрига етиш, уни мустаҳкамлашдан иборат. Бу ҳар биримизнинг Ватан олдидаги фарзандлик бурчимиздир.

Баҳодир ТОҒАЕВ, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Давлат бюджетни ижроси кўриб чиқилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йўналишида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси яқунлари тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди.

Аввало, Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор йўналишлар 2015 йилнинг биринчи ярмида иқтисодийётимизнинг тармоқ ва соҳалари барқарор ривожланишига асос бўлгани, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш ҳамда макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш имконини бергани таъкидланди.

2015 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди. Шунингдек, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 8,1, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5, капитал қурилиш 18, чакана савдо айланмаси 14,8, хизматлар ҳажми эса 13,1 фоизга ўсган.

Депутатлар юртимизда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш

ва рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорда харидорнинг маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ташкил этишни рағбатлантириш, ҳудудларнинг sanoat салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш масалаларида фаол инвестицион сиёсат олиб борилаётганини алоҳида қайд этишди.

Ҳисобот даврида хусусий мулк ва тадбиркорлик субъектларининг sanoatдаги улуши 31,4 (2014 йилнинг шу даврида 28,9 фоиз), чакана савдо айланмасида 86,3 (85,9 фоиз), пуллик хизматларда 47,6 (45,2 фоиз) ва бандликда 77,2 фоизга (76,8 фоиз) етди.

— Мазкур кўрсаткичлар аҳоли бандлиги таъминланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда, — дейди Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Фарход Умаров. — Жорий йилнинг биринчи ярмида иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури асосида 441,8 минг иш ўрни яратилган, шундан 274,9 минг иш ўрни



ёки 62,2 фоизи қишлоқ жойларида ташкил этилган. Давлат бюджетидан ижтимоий соҳани молиялаштириб бориш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳага Давлат бюджетни харажатларининг 59,2 фоизи йўналтирилган. Мазкур харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 13,9 фоизни ташкил этган.

Депутатларнинг таъкидлашича, ҳисобот даврида айрим бюджет ташкилотларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилган.

Йўналишда Давлат бюджетни

маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши, бюджет ташкилотларида молиявий интизомга қатъий риоя этилиши юзасидан масъулиятни ошириш, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси ижроси устидан назоратни кучайтириш бўйича бир қатор тақлифлар берилди. Ушбу масалаларда мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари-нинг тегишли ахборотлари ҳам ҳисобга олинди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси меҳнат билан банд бўлишга интилаётган ногиронларнинг ижтимоий мослашувини таъминлаш мақсадида уларнинг меҳнат қилиши учун муносиб шароитлар яратиш, ихтисослашган корхоналарни ташкил этишнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, йирик корхоналарга қасаначилик иш жойларини ташкил этиш бўйича мажбурий квоталар белгилаш орқали жисмоний имкониятлари чекланган шахсларни қасаначилик фаолиятига жалб қилишни кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сайловолди дастуридан.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласи ўрганиляпти



■ Хоразм вилоят партия кенгаши томонидан ташкил этилган кўча Жамоатчилик қабулхонасига одамлар қандай масалалар билан мурожаат этди?

«Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Саккизинчи марта ўтказилаётган танловда жами 83 минг нафардан зиёд ёшлар иштирок этди.

«ҲЕЧ ҚАЧОН БЎШ КЕЛМАНГ, АЗИЗ БОЛАЛАРИМ, ЭРТАНГИ КУН — КЕЛАЖАК СИЗНИКИ!»

Бу сўзлар ЎзХДП «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танлови республика босқичи иштирокчиларининг ўзига ишончини, ғурур ва ифтихорини янада оширди

Расулбек Ҳожиёв Урганч давлат университети талабаси, вилоятнинг фаол ёшларидан бири. У Тошкентга фан олимпиадалари ва турли кўрик-танловлар баҳонасида жуда кўп келади. Бу гал мамлакатимизнинг бошқа вилоятларидан келган ёш сиёсатчилар билан учрашди, танишди, пойтахтни томоша қилди. Кун охирида қолгач, улар меҳмонхонага йўл олишди. Ёшлар вақтини беҳуда сарфламади. Сиёсатга қизиқувчи ЎзХДПнинг ёш аъзолари иштирокда ижтимоий-сиёсий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳияти, партия ҳаёти ҳақида суҳбатлар бўлди, савол-жавоблар қизгин тус олди...

4 сентябрь... Расулбек эрта уйғонди. Бугун унинг учун кечаги кундан ҳам таассуротларга, ҳаяжонга бой бўлади. У ўзига ишонч, қатъият билан танловга ошиқди. Президентимиз мустақиллигимизнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда айтган фикрлари унга қанот бўлди: «Ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим, эртанги кун — келажақ сизники!».

Соат 8:00. Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти «Ёш сиёсатчи — 2015» кўрик-танловининг республика босқичи қатнашчилари эрта тонгдан Мустақиллик майдонига кириб боришди. Бу ерга ташиф бююрганларнинг ҳар бири қалбидан она юртва меҳри, садоқат, чекиз муҳаббат ҳисси жўш уриб турарди. Улар «Бахтиёр она» ҳайкали пойига гуллар қўйишди...

Соат 10:00. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубонаси залида танловнинг илк шартлари бошланди. ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вилоят партия кенгашлари раислари, «Истиқбол» ёшлар қаноти вилоят бўлимидаги етакчилари, ҳакамлар ҳайъати аъзолари, танлов қатнашчиларининг кўллаб-қувватловчи ёшлар аллақачон йиғилишган. Ёш сиёсатчилар танловнинг бу йилги босқичларига қатъий ишонч билан келганликлари уларнинг юз-қўлидаги шижоат, ғайрат ва ҳаяжондан кўриниб турарди.

— Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимда ёшларга қарата барча-барчангиз сизга мансуб бўлган куч-ғайрат ва қатъият, изланиш ва яна бир бор изланиш, замонавий билим ва тажрибаларни ўзлаштириш билан ўз олдингизга қўйган эзгу мақсадларга, албатта, эришасиз, жамиятимизда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгалласиз, дея катта ишонч билдирди, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари **Ҳотамжон КЕТМОНОВ**. — Шу маънода мустақил ҳаётга кириб келатган йигит-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини янада ошириш, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотлар жараёнига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш асосий вазифамиздир. Бу давлат ва жамоат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мазкур жараёнда фаол иштирок этишга алоҳида эътибор қаратмоқда, «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшлар ташаббусларини амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Фахр-ифтихор билан айтиш жоизки, бугунги кунда ёшларимиз ўз билими ва тафаккури билан дунёни лол қолдирмоқда. Замонавий билимларни эгаллаб, жаҳон миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида юқори ўринларни қўлга киришиб, Ватанимиз байроғини баланд қўтармоқда. Энг асосийси, улардаги шижоат, ғайрат катта мақсадларни ва марраларни забт этишга ундамоқда. Ўзбекистон



Халқ демократик партиясининг «Истиқбол» ёшлар қаноти ёшларнинг ижтимоий-сиёсий билими ва фаоллигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келаётгани барчамиз учун қувонарли.

Хусусан, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови бу йил саккизинчи бор ўтказилмоқда. Танлов иштирокчилари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу йиллар давомида ўшбу танловда 83 мингдан зиёд ёшлар иштирок этди. Жорий йилда бошлангич партия ташкилотларидан тортиб, республика даражасигача бир неча босқичларда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 18 минг нафар йигит-қиз қатнашди. Бу партияимиз сафидаги ёшларнинг интилувчанлиги, уларнинг истеъдод ва қобилияти юқори эканлигидан далолатдир.

Ўзбекистон ХДП сафида ана шундай фаол ва ташаббускор ёшлар сони кенгаяр экан, сафимиз мустаҳкам бўлиб, дастурий мақсадларимиз ҳаётга самарали татбиқ этилади.

Партия етакчиси шу сўзларни айтган экан, танлов иштирокчиларига омад тилади.

Жорий йилда «Ёш сиёсатчи» танловининг барча босқичларида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 18 минг нафар йигит-қиз қатнашди.

Кўрик-танлов бошланди. Биринчи шарт... Унга кўра, қатнашчи ёшлар билетларни танлаб, саволларни ўқир экан, залда ўтирганлар улар билан баробар ҳаяжонда бўлди. Саволларга эркин, раво ва тўлиқ жавоб берган иштирокчиларнинг айримларини бироз ҳаяжон босди. Шунга айтиш кераки, сиёсат, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт, сиёсий партиялар, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий принциплари каби масалаларга оид саволларга ҳар бир иштирокчининг жавоби, айтидиган фикри борлиги намойён бўлди.

Масалан, бухоролик танлов иштирокчиси Шахруз Собиров 4-билет саволларига жавоб беришга дадил киришди. Кимлар сиёсий партияга аъзо бўла олмайдилар, қонун қачон юридик кучга бўлади, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг асосий вазифалари нималардан иборат, деган саволларга аниқ жавоб берди.

Шунингдек, **Навоий вилоятидан Севара Аслонова, Хоразм вилоятидан Расулбек Ҳожиёв, Тошкент вилоятидан Азиза Усмонова** ҳам саволларга тўлиқ жавоб бериб, кўпчилигининг олқишига сазовор бўлди.

— **Азиза, сиз ҳамма саволларга жавоб бердингиз, бу мураккаб бўлмадими?** — дея сўради **Тошкент вилояти иштирокчиси Дан**.

— Йўқ, ўзим Оққўрғон тумани Ижтимоий-иқтисодиёт ва ҳизмат кўрса-

тиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси-ман. Кўрик-танловга тайёрланиш жараёнида Президент асарлари, мамлакатимиз қонунчилиги, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, сиёсатшуносликка оид дарсликлар ва адабиётларни кўп билан ўқиб чиқдим, сиёсий партиялар нашрларини мунтазам кузатиб бордим. Шунинг учун мамлакатимиз Конституцияси, Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси ваколатлари, сиёсий партиялар ҳақидаги саволларга жавоб беришга қийналмадим.

— **Севара, айтгинчи, танловга тайёргарлик жараёнида нималарга эътибор қаратдингиз?**

— Очиги, шарт бошланишида бироз ҳаяжонланган бўлсам-да, ўзимга ишончим мустаҳкам эди, — дейди иштирокчи. — Чунки танловнинг дастлабки босқичларидан тортиб, то республика босқичига етиб келгунга қадар ўз устимда тинимсиз ишладим. Тайёргарлик жараёнида сиёсий, ҳуқуқий адабиётларни мутлоаа қилдим. Энг муҳими, ўзим билмаган кўп нарсаларни ўргандим. Албатта, бу жараёнда партияимиз фаоллари,

депутатларнинг ёрдами катта бўлди. Улар билан тез-тез мулоқотда бўлдим, тадбир ва учрашувларда фаол иштирок этишга ҳаракат қилдим. Чунки ҳақиқий ёш сиёсатчи саволларга тўла-тўқис жавоб бериши керак.

Танловнинг биринчи шартни охирида қолаётган пайтда сахна ортида иштирокчилар чиқишлари диққат билан кузатиб турган Жиззах вилояти иштирокчиси Суръат Исомиддиновга кўзимиз тушди. Фурсатдан фойдаланиб, уни ҳам суҳбатга тортидик.

— **Савол-жавоб шартинда етарли балл тўплай олмадингиз. Нега ундай бўлди, деб ўйлайсиз?**

— Биринчидан, кучли ҳаяжон босди, — деди у. — Бундай катта сахнага биринчи бор чиқишим эди. Шунинг учун бошқа иштирокчиларнинг билими, ҳозиржавоблигини кўриб, ўз устимда кўп ишлашим кераклигини англадим.

Бошловчи навбатдаги — Нотиклик санъати шартини эълон қилди. Иштирокчилар танлаб олган мавзулари бўйича ўз фикрларини баҳолашга қадар биз кузатувчиларнинг иккинчи шарт бўйича фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бугун танловнинг салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганини гувоҳи бўлдим, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши бўлими Мўтабар Қозиева**. —

Аксингул Балтабаева танловнинг шiori бўлган «Мен Ватаним равнақига ҳисса қўишни хоҳлайман» мавзусини маҳорат билан очиб бергандан сўнг **Андижон вилоятидан Андижон давлат университети қошидаги Асака академик лицейи тарих фани ўқитувчиси Жасур Солиев** Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритди.

— Мазкур қарорда ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда улар фаоллигини ошириш, турли мафкуравий таҳдидларга қарши имунитетини шакллантириш масалалари алоҳида ўрин олган, — **дея гап бошлади Жасур Солиев**. — Жаҳон миқёсидаги глобаллашув жараёнида, оммавий маданиятнинг кириб келиши ва ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган бир даврда ёшлар сиёсатини амалга оширишда қўшимча чора-тадбирлар белгилан зарурлиги туғилган эди.

Шунингдек, **Жиззах вилоятидан Жиззах давлат педагогика институти талабаси Суръат Исомиддинов** «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатининг Сайловолди дастури», **Наманган вилоятидан ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши ижтимоий-сиёсий наشري «Халқ иродаси»** газетаси жамоатчи муҳбири **Исроил Аълохўжаев** «Оммавий маданият», **Сурхондарё вилоятидан Термиз тиббиёт коллежи ўқитувчиси Аббос Тоғаймуродов** «Амир Темур тузуқлари» каби мавзуларда нотиклиги билимдонликлари намойиш этишди.

Ушбу шартда **Бухоро вилояти** иштирокчисининг нотиклиги қатнашчиларда катта қизиқиш уйғотди.

— Аудиторияга фикримни аниқ равшан етказишга қийналар эдим, — дейди **Шахруз Собиров**. — Бу камчиликдан қутилиш, ўзимга бўлган ишончини мустаҳкамлаш учун «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови муҳим аҳамият касб этади. Аввалига жуда ҳаяжонландим. «Ҳаммаси ўзимга боғлиқ, бу менинг қўлимдан келади», деб ўзимга далда бердим. Вилоят босқичида қийинчилик билан ғалаба қозондим. Республика босқичида тинловчилар анча кўп, аудитория катта бўлишига қарамай, нотиклик санъати шартини ортиқча ҳаяжонсиз баҳардим. Энди ўзимга ишончим ортди. Лекин янада кўпроқ ўқишим, изланишим кераклигини англадим.

Шарт тугагандан сўнг, ҳакамлар ҳайъати қатнашчилар чиқишини баҳолашга қадар биз кузатувчиларнинг иккинчи шарт бўйича фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бугун танловнинг салоҳияти йилдан-йилга ошиб бораётганини гувоҳи бўлдим, — дейди **Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят кенгаши бўлими Мўтабар Қозиева**. —

Нотиклик санъати шартини ҳар бир иштирокчи берилган мавзунини тўлиқ очиб беришга ҳаракат қилди. Айниқса, менга Бухоро ва Хоразм вилояти иштирокчиларининг чиқиши маъқул бўлди, мавзуларни ҳозир бўлаётган вояеа-ҳодисалар билан изоҳлаб, шарҳлаб беришди. Уларнинг ҳозиржавоблиги, нотиклиги ва билими, аудитория билан ишлаш маҳорати бошқаларда ҳам катта таассурот уйғотди, деб ўйлайман.

Ўзим ҳам 2013 йили шу танловда иштирок этганман. Утган йили эса ҳудудимиз иштирокчисини қўллаб-қувватлаш мақсадида келиб танловни кузатган эдим. Бу йилги иштирокчимиздан умидимиз катта. Саволларга яхши жавоб берди. Яна олдинда битта шарт турибди.

Танловнинг иккинчи кунини иштирокчилар Ички ишлар вазирлигининг маданият саройида йиғилишди. Бу ерда кўрик-танловнинг сўнгги — лойиҳалар тақдими шарт бўлиб ўтди. Ёш сиёсатчилар туман ва шаҳарларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳусусиятларини таҳлил қилиб, жойларда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини йўлга қўйиш, партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, электрорат манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилиши мумкин бўлган лойиҳаларни тақдим этди.

Барча лойиҳаларда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ривожлантириш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий таракқий эттириш, қишлоқларда замонавий инфратузилмани шакллантириш каби устувор масалаларга ургу берилди.

Лойиҳанинг молиявий асослари, уни амалга ошириш ва ривожлантириш истикболлари ва аҳамияти ҳақида маълумот беришди.

Шартга кўра, Сурхондарё вилояти иштирокчиси Аббос Тоғаймуродов вилоятда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яъни сомондан қозғош ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйиш бўйича лойиҳа тақдим этди.

— Вилоятимизда 104 минг гектар ерда бугдой экилади, — деди у. — Сомонларнинг маълум бир қисмини чорва учун ишлатилади. Агар сомонни қайта ишлаш йўлга қўйилса, бу ҳудудлар ривожини таъминлашга хизмат қилади. Бу фаолиятнинг мавсумий эмас, аксинча йил давомида олиб бориш мумкин. Шунингдек, лойиҳада сомондан бир марталик ишлатиладиган ошхона жиҳозлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

Аҳамиятли жиҳати, бу турли экологик муаммоларни бартараф этиш, арзон қозғош маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондириш, юқори ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари яратиш имконини беради...

Бошқа иштирокчилар ҳам лойиҳаларини шу тартибда тақдим этишди. Ҳакамлар ҳайъати аъзолари уларнинг долзарблиги, амалга оши-

риш механизмлари тўлиқ ва аниқ акс эттирилгани, ЎзХДП электрорати манфаатига нечоғли хизмат қилишини инобатга олиб, лойиҳаларни баҳолаб боришди.

Иштирокчилар учун ҳам, танлов кузатувчилари, ота-оналар учун ҳам ҳаяжонли дақиқалар етиб келди... Ҳакамлар ҳайъати раиси Рустам Комилов умумий балларни маълум қилди. Танлов якунига кўра,

Тошкент вилоятидан Азиза Усмонова биринчи, Хоразм вилоятидан Расулбек Ҳожиёв иккинчи, Навоий вилоятдан Севара Аслонова учинчи ўринга муносиб қўрилди.

Фақат гоилилар тақдирланмади, балки ёш сиёсатчиларнинг барчаси турли номинациялар бўйича фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан мукофотланди. Маданият саройи қарсақлар, қувончи ҳайқирлар ва олқишларга тўлди. Кўрик-танлов ҳақида таассуротларни билиш мақсадида гоилилар, уларни қўллаб-қувватлаш учун келганлар, ҳакамлар ҳайъати аъзолари, қанот етакчилари-ю партия кенгашлари раисларини суҳбатга тортидик.

Алишер РАВШАНОВ, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудири, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:

— Танлов юқори савияда ўтди. Ёшларнинг шижоати, дунёқарashi, ўз мустақил фикрига ҳава экани ҳар бир иштирокчининг чиқишида яққол намойён бўлиб турди. Иштирокчилар партия электрорати манфаатларини ҳимоясига, янги иш ўринлари яратишга хизмат қиладиган қўллаб-қўйишларни тақдим этишди. Уларнинг кўпчилиги қозғошда қилиб кетмасдан аллақачон ҳаётга татбиқ этилапти, қўтилган самарани берапти. Натижада қўллаб-қўйиш иш ўринлари яратилиб, ёшларда жамият ривожига дахлдорлик ҳисси ортиб бормоқда. Биргина шу мисолнинг ўзиёқ танловнинг қанчалик аҳамиятли эканини кўрсатиб турибди.

Гулбаҳор МАМАТУРОВОВА, Тошкент шаҳар иштирокчиси Улуғбек Алиқуловнинг онаси:

— Ота-она учун энг катта бахт — болаларининг муваффақиятларини кўришди. Бугун ана шу бахтни ҳис қилиб турибман. Ўғлим Улуғбекнинг танловдаги иштирокидан, ютуғидан кўнглим тоғдек қаттиқли. У болалигидан жамоат ишларида фаол қатнашади. Партия томонидан ташкил этилган бу тадбир эса унинг сиёсий жараёндарда ҳам фаол иштирок этиши учун катта имконият берди. Ундан келажақда умидим катта.

Азиз ҚУШБАЕВ, Оққўрғон тумани Ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси:

— Мен ўқувчимиз Азиза Усмоновани қўллаб-қувватлаш учун келдим. Танловни қизиқиш билан кузатиб бордим. Иштирокчиларга жуда ҳава қилдим. Улар мамлакатимиздаги сиёсий жараёнлар, амалга оширилаётган ислохотларни яхши билишлари танлов давомида яққол сезилди. Азиза ҳам ўз навбатида билимдонлик маҳоратини кўрсатди. Танловда у биринчи ўринга муносиб деб топиладиган жуда ҳам мамнунимиз. Сафимизда шундай ёшлар қўлайишга тилақдошимиз.

Танлов низоҳатига етди. Энг муҳими, катта таассуротлар оғушидаги иштирокчи ёшлар қўйингки, танловни кузатган ҳар бир киши ЎзХДПнинг бу ташаббусини юқори баҳолади. Сиёсатга қизиқувчи, келажақда депутат бўлишни ният қилган ёшлар сафи кенгайди, уларнинг Ватан тақдирига дахлдорлик тўғриси кучайди. Мақсад ҳам аслида шу эди...

Гулрух ОДАШБЕКОВА, Лазиза ШЕРОВА, Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» муҳбирлари.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Фаррух АЛИЕВ ва Санжар ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш бўйича мутасадди вазирлик, ташкилот ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти мутасадди раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш талаб этилади.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини Сирдарё вилояти мисолида назорат-таҳлил тартибиде ўрганди.

Парламент қўмитаси

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижроси бўйича қарор қабул қилди

Жорий йилнинг 4 сентябрь кўни қўмитанинг кенгайтирилган йиғилишида мазкур ўрганиш натижалари батафсил муҳокама қилинди. Йиғилиш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги биносида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги соҳага масъул мутасаддилар иштирокида видео-конференция тартибиде ўтказилди. Йиғилишни Меҳнат

киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишга шaroит яратиш, ногиронларни иш билан таъминлаш масалаларида маълум ишлар бажарилган, — дейди Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Саттор Раҳматов. — Лекин бу борада камчиликларга ҳам йўл қўйилмоқда. Ўтказилган



Саттор Раҳматов ўқиб бораётган сурат.

ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб Умаров олиб борди.

Бугунги кунда Сирдарё вилоятидаги ногиронларнинг (18 125 нафар) 2613 нафарини 16 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Депутатларнинг қайд этишича, ногиронлар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, хусусан, ногирон болаларнинг таълим олишини кафолатли ташкил этиш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ишлари тизимли равишда олиб боришмоқда. Ногиронлар тўлақонли турмуш кечириши ҳамда ўз ҳуқуқ ва имкониятларини рўйбега чиқариши учун керакли шарoит яратиб берилмоқда. Жумладан, ногиронларга хизмат кўрсатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касбий фаолият қобилиятларини тиклаш ҳамда ногиронларнинг реабилитация қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилган.

Ногиронларнинг олдини олиш мақсадиде Сирдарё вилоятидаги Она ва бола скрининг марказида 2012-2015 йиллар давомида ҳамма 50391 нафар ҳомиладор аёл текширувдан ўтказилган. Натижада маълум нўқсон билан тутилган болалар сони 2014 йилда 29 тага, 2015 йил 6 ойда эса 13 тага камайган.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида рўйхатга олинган ногирон болалар соғломлаштирилган. Вилоятда ногиронларни реабилитация техника воситалари ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам қатор амалий ишлар олиб борилади.

— «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 10-, 25-моддаларига мувофиқ, ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз

мониторинглар натижаларига қўра, ногиронлар учун махсус йўлақлар қилиниши лoзим бўлган 1720 муассаса, ташкилот ва корхонадан 199 тасида (11,6 фоизиде) ногиронлар учун йўлақлар (пандус) қилинмаган. Вилоятда ногиронлар учун банд қилиб қўйилган иш ўринларига уларни жойлаштириш масаласида ҳам айрим камчиликлар қайд этилди. Жумладан, 2014 йилда ногиронлар учун банд қилиб қўйилган 771 иш ўрнидан 22 тасига, жорий йилнинг 6 ойида эса 771 иш ўрнидан 6 тасига ногиронлар жойлаштирилган. Қўмитамиз бу борадаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан ўз тақлиф, тавсияларини берди.

Йиғилишда, шунингдек, ногирон болаларнинг таълими ҳамда уларни ўрта махсус касб-ҳунар таълимига жалб этиш, яққа-ёнгиз ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясига хизмат қиладиган ишлари янада кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Депутатлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, уларнинг ҳудудий бошқармалари, мутасадди ташкилот ва идоралар раҳбарлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда ўзаро фикр алмашишди.

Шулар асосида қўмита тегишли қарор қабул қилди. Унда «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлаш бўйича мутасадди вазирлик, ташкилот ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти мутасадди раҳбарларининг масъулиятини янада ошириш масаласи алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Лазиза ШОМИЛОВА

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Пойтахтимизда МДХ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмасининг XXII халқаро конгресси ўз ишини бошлади.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, МДХ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Хиндистон, Россия, Франция каби йгирмага яқин мамлакатдан олим, шифокор ва ёш тадқиқотчилар, шунингдек, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази директори Феруз Назиров, МДХ давлатлари гепатопанкреатобилиар жарроҳлар уюшмаси президенти Владимир Вишневский ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифатини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг билим ва тажрибасини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги фармони асосида соҳа тубдан такомиллаштирилди. Касалликларнинг олдини олиш, самарали даволаш, инсонларнинг умрини узайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада В.Воҳидов

номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг алоҳида ўрни бор. Ошқозон-ичак йўллари, ўт қопи, жигар, ўпка, умуртқа, юрак ва томир касалликларини даволашга ихтисослашган ушбу марказ минтақадаги етакчи тиббиёт муассасаси ҳисобланади. Жарроҳлик марказида АҚШ, Италия, Малайзия, Россия, Франция, Хитой каби давлатларнинг етакчи клиникалари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Марказ мутахассислари томонидан жигарда ўсма ривожланиши, катта ҳажмдаги ва панкреатодуоденал резекция, ўт йўлларида юзага келган ўсма ва захарланишдан шикастланиш ҳолатларида қайта тикланиш араслуви сингари нoёб жарроҳлик операциялари амалиётга жорий этилди. Жигар циррози ва портал гипертензия асоратларини жарроҳлик йўли билан даволашдаги ўзига хос услублар ишлаб чиқилди. Қизилўнғач ва ошқозон касалликларининг ривожланган ва энди авж олаётган ҳолатларида қайта тиклаш каби кўплаб операциялар амалга оширилди.

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасига устувор аҳамият қаратилаётгани ўз самараларини бермоқда, — дейди Франциянинг Жарроҳлар миллий академияси фахрий президенти, Гепатобилиар жарроҳлик институти директори, Европа жарроҳлар уюшмаси асосчиси ва президенти Генри Бисмут. — Бугунги кунда гепатопанкреатобилиар жарроҳлиқни жаҳон андозалари даражасида



амалга ошириш ва одамларга соғлом ҳаёт бахш этишга эришилмоқда. Мазкур анжуман Ўзбекистон ва дунё мамлакатларида гепатопанкреатобилиар жарроҳлик йўналишида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларни таҳлил қилиш, бу борада янги усулларни ишлаб чиқиш юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётгани билан аҳамиятлидир.

— Мазкур анжуман Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасидаги, хусусан, гепатопанкреатобилиар жарроҳлик йўналишидаги тажрибаси билан яқиндан танишиш, турли мамлакатлардан келган мутахассислар билан фикр алмашиш имконини бераётгани, — дейди Жанубий Кореянинг «Асан» тиббиёт маркази профессори Жунг Донг Хван. — Анжуман доирасида мамлакатингизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш борасида гоят салмоқли ишлар амалга оширилаётганига амин бўлдим. Ўзбекистонда аҳолининг барча қатламига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш кўлами тобора

кенгайиб бораётгани эътиборга молик. Мамлакатингизнинг бу йўналишдаги ютуқларини чуқур ўрганиш ва қўллаш юксак самаралар бераёттир. — Ўзбекистонда тиббиёт тизимини ривожлантиришнинг энг тўғри механизмлари ишлаб чиқилганини ва бу борада катта муваффақиятларга эришилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим, — дейди «Indraprastha Apollo» госпиталининг Жигар ва ўт йўли касалликларини ўрганиш маркази директори Субаш Гупта (Хиндистон). — Мамлакатингизда гепатопанкреатобилиар жарроҳлиқни такомиллаштириш, ушбу тизимга юқори технологияларни жалб этиш, оператив муолажаларни олиб бориш борасида амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовор. Ўзбекистон билан бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎзА мухбири.

ТАДБИР «E-SUD» миллий электрон судлов тизими ишлаб чиқилди

Бугун ҳаётни ахборот технологияларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Инсон техника имкониятларидан фойдаланиб, бир зумда ўзига керакли маълумотни топиши, узатиши мумкин. Бунинг натижасида вақт ва ортқча харажатлар тежалантирилади. Барча соҳаларда бўлгани каби судлар фаолиятига ҳам замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш борасида тегишли чоралар кўриляпти.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши натижасида фуқароларнинг судга ариза ва илтимосномаларни электрон шаклда юбориш тартиби ўрнатилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан БМТ Тараққиёт дастури ваколатхонаси билан ҳамкорликда «E-SUD» миллий электрон суд иш юритуви тизими ишлаб чиқилди. Айни пайтда ушбу замонавий электрон суд иш юритуви тизими фуқаролик ишлари бўйича Зангиота, Шайхонтоҳур, Яккасарой ва Мирзо Улуғбек туманларо судларида синовдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан «E-SUD» миллий электрон суд иш юритуви тизими жорий этилган судларга оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур уюштирилди. Олий судда бўлиб ўтган «E-SUD» миллий электрон судлов тизими тақдимида қайд

этилдики, суд-ҳуқуқ ислохотлари натижасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси ишончли таъминланмоқда. Қонунчиликка киритилган ўзгартишларга қўра, фуқаролар мурожаати ва уларга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон тарзда юборилиши мумкин.

Судларнинг унумли иш олиб боришини таъминловчи янги услубларни жорий этиш, жумладан, судлар фаолиятининг ошқоралигини ҳамда судлар тўғрисидаги маълумотларнинг очиклигини янада таъминлашга қаратилган ахборот-коммуникация технологияларини амалга татбиқ этиш мумкин ҳисобланади. Миллий электрон судлов тизимининг амалга татбиқ этилиши фуқароларга кўрсатиладиган хизматлар самарадорлигини ошириш орқали судда ишни кўриб чиқиш сифатини оширишга хизмат қилади.

— Ҳозирги вақтда «E-SUD» миллий электрон судлов ахборот тизимини амалда татбиқ этиш бўйича ижобий тажриба мавжуд. Мазкур тизим фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманларо судида тажрибадан ўтказилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов хайъати раиси Холмўмин Ёдгоров. — Қайд этиш кераки, миллий электрон судлов тизимини жорий этиш жараёнида хориж

тажрибасини чуқур ўргандик. Бу эса бугун ўзининг ижобий самараларини берапти.

2014 йилда фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманларо судига қарздорлиқни ўндириш юзасидан электрон тарзда келиб тушган умумий қиймати 772941.4 минг сўмга яқин 20 мингдан зиёд ариза кўриб чиқилди. Тизимнинг икки йиллик фаолияти мобайнида ФИБ Зангиота туманларо судига жисмоний ва юридик шахслар томонидан «E-SUD» миллий электрон судлов тизими орқали 40 мингдан зиёд электрон тарздаги ариза келиб тушди. Ҳозирги пайтда «E-SUD» миллий электрон судлов ахборот тизими «Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик» қўшма лойиҳаси доирасида кенгайтирилмоқда. Лойиҳа экспортлари махсус иш юритиш бўйича қўшимча функциялар ишлаб чиқилган ҳамда статистик ҳисоботни шакллантириш имкониятини яратди.

Шунингдек, журналистлар фуқаролик ишлари бўйича Зангиота ва Мирзо Улуғбек туманларо судида ҳам бўлиб, тизим фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, пресс-тур доирасида суд-ҳуқуқ ислохотларини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг мумкин хизматларига бағишланган маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, «E-SUD» миллий электрон судлов тизими жорий этилгани судлар иш самарадорлигини ошириш, улар фаолиятининг очик-ошқоралигини таъминлаш билан бирга, фуқароларнинг вақти ҳамда маблағини тежалашга хизмат қилаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Гаджет тўлиқ ахборот беради

Чекишга қарши курашиш, чекишни ташлаш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари замирида соғлом турмуш тарзи масаласи ётгани барчамизга маълум. Бироқ бунга эришиш қийин кечмоқда. Шундай бўлса-да, олимлар бу борада янги-янги йўналишлар бўйича изланишлар олиб бормоқдаки, вақти келиб, бу ўз самарасини беришига ишонамиз.

Гап шундаки, хитойлик олимлар чекишни ташлашни ихтиёр этганлар учун мундштуқ кўринишида янги гаджет яратдилар.

Сигарет мазкур мундштуққа ўрнатилиб, у чекилгач, тутун таркибида қанча микдорда смола ва никотин борлиги смартфон экраниде шундоқ намоён бўлади. Бунга кўрган тамаки чекувчи эса чекишни ташлаш тадориғига тушиб қолишига олимлар ишонмоқда. Негаки, ўз соғлигининг қадрига етадиган ҳар қандай одам бу манзарани кўргач, захарни ичига ютишни истамайди.

Меъёрнинг бузилиши салбий ўзгаришларни юзага келтиради

Ҳар бир ишда меъёр бўлгани маъқул, деган гап бежиз айтилмаган. Бунга далиллар ва финляндиялик олимлар кузатув-тадқиқотлари натижалари ҳам тасдиқлайди.

Гап шундаки, улар 35 минг кишининг саломатлигини бир неча йиллар давомида кузатиб, тадиқ қилиб, шуни аниқладики, дейилади «The International Journal of Epidemiology» нашри ахборотида: уйку тартиби бузилган кишилар организми фаолиятида салбий ўзгаришлар юз беради.



Яъни, айримларда спиртли ичимликлар истеъмол қилишга мойиллик кучайса, базиларда эса ортқча таъминот бўлиш жараёни тезлашади.

ЭЪЛОН

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИАТИ ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ КЎЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА 2016 ЙИЛГА ЎҚИШ УЧУН КАТТА ИЛМИЙ ХОДИМ-ИЗЛАНУЧИЛАР ИНСТИТУТИГА ВА МУСТАҚИЛ ИЗЛАНУЧИЛИККА КАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- 01.02.02 — Машиналар, асбоблар ва ускуналар динамикаси ва мустаҳкамлиги.
- 05.08.02 — Темир йўллар ва йўл ҳўжалиги.
- 05.08.03 — Темир йўл транспортини ишлатиш.
- 05.08.05 — Темир йўлларининг ҳаракатланувчи таркиби, поездларни тортиш ва электрлаштириш.
- 05.09.01 — Қурилиш конструкциялари. Бинолар ва иншоотлар.
- 05.09.05 — Қурилиш материаллари ва буюмлари.
- Ҳўжатлар 2015 йил 15 октябрдан 15 ноябргача қабул қилинади.
- Маълумот учун қўйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100167, Тошкент шаҳри, Одиловжон кўчаси, 1-уй, ТошТЙМИ, 333-хона, Илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими. Телефонлар: 299-00-26, 299-05-14.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 8 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1804,28	■ 1 Канада доллари	1965,18	■ 1 Туркия лираси	861,32
■ 1 Англия фунт стерлинги	3955,91	■ 1 Хитой юани	409,37	■ 1 Швейцария франки	2680,07
■ 1 Дания кронаси	389,33	■ 1 Россия рубли	38,50	■ 1 ЕВРО	2909,15
■ 1 БАА дирҳами	709,47	■ 1 Украина гривнаси	118,76	■ 10 Жанубий Корея вони	21,64
■ 1 АҚШ доллари	2605,83	■ 1 Малайзия ринггити	605,02	■ 10 Япония иенаси	218,37
■ 1 Миср фунти	333,01	■ 1 Польша злотийси	687,70		
■ 1 Исландия кронаси	20,15	■ 1 СДР	3652,49		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарнинг ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

